

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти;

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р

1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....
- 1.1. Қўлланиш соҳаси .....
- 1.1.1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....
- 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....
- 1.2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....
- 1.2.1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....
- 1.2.2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....
- 1.2.3. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....
- 1.2.4. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....
2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....
- 2.1. Умумий компетенциялар.....
- 2.2. Касбий компетенциялар.....  
Библиографик маълумотлар.....  
Келишув варағи.....

## **1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар фаолиятининг барча шакллари, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий ва молиявий масалалар ечимларини, яъни ликвидлилик ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналар, ваколотхоналар, филиаллар ва бошқа таркибий бўлимларида конун

хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб юритиш жараёнлари мажмуаси;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, давлатнинг мақсадли жамғармалари, агентликлар ва идоралар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалар.

**1.2.3. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлил;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик;
- педагогик (профессional таълим, касб-ҳунар таълими тизимида).

**1.2.4. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий хужжатларини билиш ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- бизнес режаларни кўриб чиқиш ва улар самарадорлигини баҳолаш;

- молия бозорида воситачилик қилиш;

- миждозларни тўловга қобилиятини баҳолаш усулларини қўллаш;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши ҳамда белгилаш қобилиятига эга бўлиш.

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти:**

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларини билиш;

- ҳисоб маълумотларини қилиш ва умумлаштириш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими фаолиятининг халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимидаги кўрсаткичлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни таҳлили қилиш;

-

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматларини кўрсатишда дастурий воситалардан фойдалана билиш.

**Ташкилий-бошқарув ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- бухгалтерия ҳисоби хизмати, аудит ва назорат тизимида белгиланган қонунчиликка кўра бошқарув тартибини билиш;

- бухгалтерия ҳисоби хизматини замонавий иқтисодий билимлар ҳамда соҳага оид халқаро стандартларни қўллаш асосида ташкил этиш ва бошқариш;

- бухгалтерия ҳисоби хизмати, аудит ва аудиторлик тизимида бошқарув ва ходимларни бошқариш стратегияларини билиши ва амалиётда қўллай олиш;

- бухгалтерия хизмати ва аудит фаолиятини ташкил этишдаги муаммоларнинг ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматини кўрсатиш бўйича иш режасини тузиш, бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисоби хизмати ва аудит соҳасини миллий ва халқаро стандартлар талабларига мос ривожланиб боришини таъминлаш борасида ишларни амалга ошириш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- ташкилот маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни назорат қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби хизмати ва аудит фаолиятни режалаштириш ва мониторинг қилиш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички назорат тизимини яратиш ва унинг самарали ишлашини таъминлаш;

- ташкилот ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар айланишини рақамлаштириш, турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

- ташкилот инвестициялари самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- ҳўжалик юритувчи субъектларни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш, бухгалтерия ҳисобини мазкур стандартлар талаблари асосида юритишга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- тармоқлар ва соҳаларда аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида назоратни таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- илмий-тадқиқот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- инновацияга асосланган янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- бизнес юритиш натижалари асосида шаклланган ҳисоботларни тегишли даврий нашрларга тақдим этиш.

#### **Педагогик фаолиятида:**

- тасдиқланган давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув-услубий материаллардан тайёрланган ҳолда профессионал таълим, касб-ҳунар таълими тизимида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молиявий-иқтисодий фанларидан замонавий ахборот воситалари ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш.

## **2. 60410100 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- макро ва микроиқтисодий жараёнларни билиши, бизнесни ташкил қилиш, юритиш ва корпоратив бошқариш бўйича билимга эга бўлиши;
- ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг ўрни, назорат, хавфсизлик, аудит тушунчаларини билиши;
- ходимлар билан ишлаш, раҳбарлик ва бошқарув кўникмаларига эга бўлиши;
- харажатлар ҳисоби, харажатлар классификацияси, бюджетлаштириш, калькуляция қилиш усулларини билиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, молиявий ҳисоботни шакллантиришда ахборотларни йиғиш усулларини қўллай олиши, молиявий ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантиришни билиши;
- ҳуқуқ ва ҳуқуқ тизимини, шартномаларни шакллантириш, меҳнат шартномаси, ташкилот уставини шакллантириш, тўлов кодирлик бўйича меъёрлар ва қонун ҳужжатлари нормаларини билиши;
- республикамиз солиқ тизими, солиқ турлари ва уларнинг моҳияти, ҳисобланиши, тўланиши ва ҳисобини юритишни билиши;
- бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида ҳисоб юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришни билиши;
- аудит ва аудиторлик текшируви, унинг турлари, ўтказиш тартиби ҳамда натижаларини расмийлаштириш тартибини билиши;
- мутахассисликка оид иқтисодий категория ва қонунлар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;
- микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;
- менежмент асослари, жумладан молиявий менежментни билиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши, бозор ва унга хос қонунлар ва ҳатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент мөлия институти

Ректор  Т.Тешабоев

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази


Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Директор  М.Эсанов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Ректор  К.Шарипов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар  
миллий ассоциацияси

Кенгаш раиси  М.Тулаходжаева

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси

Кенгаш раиси  Н.Каримов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



**60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда куйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2021 йил 2 июндаги РА1/1-1030-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 311-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда магистратура мутахассислиги битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, аудит ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан уйғунлаштирилди ҳамда таълимнинг халқаро стандартлари билан узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти

“Бухгалтерия ҳисоби”

кафедраси мудири, и.ф.д. проф.



А.А.Каримов

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**

**60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
	60410100	“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	<p><b>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- макро ва микроиқтисодий жараёнларни билиши, бизнесни ташкил қилиш, юритиш ва корпоратив бошқариш бўйича билимга эга бўлиши;</li> <li>- ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг ўрни, назорат, хавфсизлик, аудит тушунчаларини билиши;</li> <li>- ходимлар билан ишлаш, раҳбарлик ва бошқарув кўникмаларига эга бўлиши;</li> <li>- харажатлар ҳисоби, харажатлар классификацияси, бюджетлаштириш, калькуляция қилиш усулларини билиш;</li> <li>- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унга доир меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, молиявий ҳисоботни шакллантиришда ахборотларни йиғиш усулларини қўллай олиши, молиявий ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантиришни билиши;</li> <li>- ҳуқуқ ва ҳуқуқ тизимини, шартномаларни шакллантириш, меҳнат шартномаси, ташкилот уставини шакллантириш, тўлов қодирлик бўйича меъёрлар ва қонун ҳужжатлари нормаларини билиши;</li> <li>- республикамиз солиқ тизими, солиқ турлари ва уларнинг моҳияти, ҳисобланиши, тўланиши ва ҳисобини юритишни билиши;</li> <li>- бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида ҳисоб юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришни билиши;</li> <li>- аудит ва аудиторлик текшируви, унинг турлари, ўтказиш тартиби ҳамда натижаларини расмийлаштириш тартибини билиши;</li> <li>- мутахассисликка оид иқтисодий категория ва қонунлар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;</li> </ul>

			<p>- микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;</p> <p>- менежмент асослари, жумладан молиявий менежментни билиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши, бозор ва унга хос қонунлар ва ҳатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;</p> <p>- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлай олиши.</p>
--	--	--	---



**Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар  
Палатаси**

Кенгаш Раиси

 **Н.Ф.Каримов**



**Тошкент молия институти**

ректори

 **Т.З.Тешабоев**



**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва  
аудиторлар Миллий ассоциацияси**

Кенгаш Раиси

 **М.М.Тулаходжаева**



**Тошкент Давлат Иқтисодиёт**

**Университети ректори**

 **К.А.Шарипов**

**Тошкент молия институтининг 60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси Н.Ф.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси Кенгаш Раиси М.М.Тулаходжаева, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ректори Қ.А.Шарипов ва Тошкент молия институти ректори Т.З.Тешабоев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 60410100 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2021 йил 2 июндаги РА1/1-1030-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 60410100– “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инobatга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар**

**Палатаси**

Кенгаш Раиси

Н.Ф.Каримов

**Ўзбекистон Республикаси**

**Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий**

**ассоциацияси**

Кенгаш Раиси

М.М.Тулаходжаева

**Тошкент молия институти**

**ректори**

Т.З.Тешабоев

**Тошкент Давлат Иқтисодиёт**

**Университети ректори**

Қ.А.Шарипов